
“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ” ШИОРИ ОСТИДА МАДАНИЙ ТАДБИР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Данғара туманида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Данғара тумани ҳокимлиги ташаббуси билан туман туризм ва спорт бўлими, туман маданият бўлими, Ватанпарвар ташкилоти, Фарғона вилояти бўйича Миллий гвардия бошқармаси ҳамкорлигида Данғара тумани Телеминг МФЙда “Янги Ўзбекистон ёшлари Келажак пойдевори” шиори остида маданий тадбир ташкил этилди.

Тадбир бошида “Саломатлик сари - 5000 минг қадам!” оммавий юриш марофони ҳамда бадантарбия машғулотлари ўтказилди.

Оммавий юриш марофонида туман ҳокими, сектор раҳбарлари, ҳудуддаги ташкилот, корхона вакиллари билан ўз соғлигига бефарқ бўлмаган нуроний отахонлар, онахонлар ва ёшлар иштирок этди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2022-02-15 08:57:23